



ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

№1

26 МАРТ

Конференцияга қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар
қабул қилинади:

1. Санъат ва маданият фанлари
2. Тарих фанлари
3. Фалсафа фанлари
4. Филология фанлари
5. География фанлари
6. Педагогика фанлари
7. Психология фанлари
8. Социология фанлари
9. Ижтимоий-гуманитар фанлари
10. Жисмоний маданият



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTINING
FARG'ONA MINTAQAVIY FILIALI

"ORIENTAL ART AND CULTURE" ILMIY-METODIK JURNALI

“O‘ZBEKİSTONDA ILM-FAN VA TA’LIM”

KONFERENSIYASI TO’PLAMI
(3-QISM)

26 Mart 2020 yil



Qo'qon shahri

145.	S.Rahimov, V.Shukurov OLIY TA'LIMDA MULTIMEDIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI	480
146.	Бабашев Фарҳад Айтмуратович, Тангирибердиева Нилуфар Султанбой қизи ЎЛКАШУНОСЛИК МАТЕРИАЛЛАРИДАН ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТИЛ ЎРГАНИШ АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ	483
147.	Нусратова Шоира Иватовна САНЪАТШУНОСЛИКДА БАДИЙ АСАРНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ	489
148.	Ражабова Роҳила Закировна XVIII-XIX АСР БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	493
149.	Курбонова Мафтұна Фахриддиновна, Тохирова Мухайё Зоҳир қизи KOMPETENCIЯLI ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАъЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	497
150.	Muminov Islomjon Arabboyevich, G'aniyeva Muhayyoxon Zoirjonqizi KRISTALL JISMLAR XARAKTERISTIKASINING RENTGEN NURLARI USULI YORDAMIDA O'QITISH METODIKASI	500
151.	Пулатова Умида Халиловна МАКТАБГАЧА ТАъЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАъЛИМИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ	503
152.	Matkarimova Muhabbat Bekduriyevna SHAXS KAMOLOTIDA KITOBNING O'RNI	508
153.	Abdirahimova Ziyodaxon Akmaljon qizi XALQ PEDAGOGIKASI- TARBIYA VOSITASI	512
154.	Turaeva Maftuna Boboyorovna THE SIGNIFICANCE OF DEVELOPING A FOREIGN LANGUAGE TEACHER`S PROFESSIONAL COMPETENCE	515
155.	Muzaffarova Hayitgul Nesibovna, Islomova Ozoda Sayfiddinovna ZAMONAVIY USLUBLAR YORDAMIDA TOVUSH TALLAFUZ BUZILISHLARINI KORREKSIYALASH	519
156.	Abdullahayev Yo'lchi Ziyayevich O'ZBEKİSTONDA ILM-FANNI RIVOJLANTIRISHNING TA'LIM MUSSASALARIDAGI USTUVOR VAZIFALARI SIFATIDA	522
157.	Feruza Asqaraliyeva KIMYOVIY MUVOZANAT VA UNGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR	525
158.	Nazorat Mardonova NITROBIRIKMALAR. OLINISHI VA XOSSALARI	529
159.	Rashid Turgunbaev SAN'AT TA'LIMIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI DARSALARIDA MUSESCORE NOTA MUHARRIRIDAN FOYDALANISH	533
160.	Матёкубов Эргаш Гайбаевич МОДУЛЛИ ТАъЛИМДА ВА УНДАГИ ЎҚУВ ЭЛЕМЕНТИНИНГ АҲАМИЯТИ	537
161.	Kuziev Shavkat Abdumuratovich, Alijanova Laylo Muzaffar kizi, Murtazayeva Farangiz Abduvokhidovna, Halimova Gulhayo Khurshid kizi THE USE OF GAME IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES	542
162.	Фарсахонова Дилафуз Ризахоновна "ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	546
163.	Feruz Toshpo'lotov, Mohinur Teshayeva MATEMATIKA - ZAMONAVIY TEXNOLOGIYA ASOSI	549

XVIII-XIX АСР БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ражабова Роҳила Закировна
rajabovarohila@gmail.com
БухДУ

Аннотация: Тарихимизни ўрганишда қўлёзма асарлар муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Уибу мақолада XVIII-XIX аср Бухоро тарихини ўрганишда Аҳмад Дониш асарларининг аҳамияти ёритиб берилган.

Калим сўзлар: XVIII-XIX аср, Бухоро, манба, қўлёзма асарлар, тарих, маданият.

Халқимиз босиб ўтган ҳар бир давр бевосита бой тарихий ўзгариш, тараққиёт хусусиятлари ва ўзаро маданий таъсирлар билан содир бўлган. Бугунги кунга келиб миллатимиз тарихининг жабҳалари ва босқичларини манбалар асосида ўрганиш муҳимдир.

Тарихимизни ўрганишда қўлёзма асарлар, тарихий обидалар, турли этнографик ва лингвистик ёдгорликлар асосий манба бўлиб хизмат қиласди. Тарихчи олимлар мамлакатимиз тарихини ёритувчи манбаларни алоҳида гурух ва даврларга бўлган ҳолда тадқиқ этмоқдалар. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро амирлиги алоҳида ўрин касб этади. Амирлик даври тарихини ўрганишда “Наводир ул-вақое”, “Тарихи салотини манғития”, “Тарихи Салимий”, “Кашкули Салимий” ва “Таворихи мутақаддимин ва муттаахирин”, “Бухоро манғит амирлари тарихи” каби асарлар муҳим манба вазифасини бажаради. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларида амирликдаги сиёсий хаёт, ижтимоий хаётдаги рўй берган ўзига хос ўзгаришларни Аҳмад Дониш қарашлари ва унинг илмий меъросида ўзига хос ёритилганлигини қайд этиш жоиз. Аҳмад Донишнинг асарлари давр тарихини ёритиш билан бирга манғит амирларининг сиёсий портретларини очиб бериши билан ҳам муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, Аҳмад Дониш илмий меросини тадқиқ этиш ва унинг сиёсий қарашлари хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш биз ёш тарихчилар олдида турган муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Бухорода рўй берган ижтимоий-сиёсий тузум, маданий-маърифий ишлар, манғит амирлигининг олиб борган сиёсалари, рус босқини ҳақида муфассал маълумот берувчи маърифатпарвар шахслар жумласида Аҳмад Донишнинг ўрни катта бўлган. Мазкур даврда Аҳмад Дониш нафақат тарихнавис – балки ўз даврининг буюк файласуфи,

шоири, астрономи, меъмори, математиги бўлган. Аҳмад Донишнинг тўлиқ исми- Аҳмад Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанифий ас-Сиддиқий ал-Бухорий бўлган. Кўпгина манбаларда 1827-йилда таваллуд топғанлиги қайд этилади.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлиги ва унда ҳукмдор бўлган амирларнинг тарихи масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Асарларида асосий эътибор амир Музаффар ва Амир Абдулаҳад ҳукмронлиги даврининг бошланишига қаратилган. Муаллиф асарларида бевосита ўзи гувоҳ бўлган воқеаларини баён этади. Чор Россияси томонидан Ўрта Осиё ва асосан Жиззах ва Самарқанднинг эгалланиши каби масалаларни алоҳида ёритишга эътибор қаратади.

Аҳмад Дониш маълумотларни беришда аниқ бир манбага таяниб қолмаган. Аҳмад Дониш Бухоро амирлиги ва унда ҳукмдор бўлган амирларнинг тарихи масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Аҳмад Донишнинг "Бухоро манғит амирларининг муҳтасар тарихи"асари мавжуд бўлиб, асар шубҳасиз Бухородаги манғитлар ҳукмронлиги тарихини ўрганишда мухим манба ҳисобланади.

Мазкур манбани шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмда муаллиф фақат ёзма манбаларда мавжуд бўлган ва ўзи эшитган воқеаларни баён этган. Унда Амир Дониёл ҳукмронлигининг сўнгги йиллари ва уч амир Шоҳмурод, Ҳайдар, Насруллоҳон ҳақида баён этилади. Аммо Дониш маълумотларни беришда аниқ бир манбага таяниб қолмаган. У ўз асарининг ушбу қисмида фақат иккита манбани кўрсатиб ўтган. Булар "Тузуки Темурий" ва "Равзат ас-сафо"лардир.

Асарнинг иккинчи қисмида эса, Аҳмад Дониш ўзи кўрган тарихий воқеаларни асосан Амир Музаффар ва Амир Абдулаҳад даври воқеаларини акс эттирган. Аҳмад Дониш ушбу асарни ёзишда "Тухфат ул-фоний", "Гулшан ул-мулк", "Мирзо Шамс Бухорий ёзишмалари" каби бир қатор маҳаллий тарихнависларнинг асарларидан фойдаланган бўлиши мумкин. Мазкур манбалардаги маълумотлар Аҳмад Дониш асаридаги воқеаларга мутаносиб.

Асарда Аҳмад Дониш ўзининг адолатпарвар ҳукмдор ҳақидаги қарашлари билан бирга манғит амирларини танқид қилувчи фикрларни ҳам билдириб, ҳукмдорларнинг чекланмаган ҳокимиятига қарши чиқсан. Унинг фикрича, "Ҳақиқий ҳукмдор одобли, эътиборли, камтар, ейишда, овқатланишда ва ҳаётда парҳезкор бўлиши даркор" деган.

Асарнинг иккинчи қисми биринчи қисмига нисбатан маълумотларнинг кенглиги ва ёрқинлиги билан фарқланади. Масалан, у Амир Музаффарнинг таҳтга келиши ҳақида қўйидаги фикрларни билдирган: "Амир Музаффар таҳтга ўрнашиб олгандан кейин унга қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан шафқатсиз сиёsat олиб борди. Ҳаттоқи, Насруллоҳоннинг

набираси ҳам Бухородан қочиб яширинишга мажбур бўлди. Қўшин ва халқ амирнинг ушбу ишларидан норози эди". Аҳмад Донишнинг ушбу фикрларидан маълумки, у ўз асарини яратишда ўз даврининг бошқа тарихнависларидан фарқли ўлароқ холисона, танқидий ёндашган.

Аҳмад Дониш ижодини ўрганиш бўйича йирик мутахассис З.Ражабов қуидаги фикрларни билдиради: "Аҳмад Дониш тожик халқининг кўзга кўринган намоёндасидир. Унинг ижоди ҳар томонлама чуқур ўрганишга муносиб.

Олимнинг "Наводир-ул-вақое" асари амирликнинг ўша даврдаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларига бағишлилангандир. Гарчи бу манба билан боғлик фикрлар ўз вақтида нашр юзини кўрмаган бўлсада замондошлари томонидан ўрганилганлигини қайд этиш жоиз. "Наводир ул-вақое" асарининг қимматли томони шундаки, унда "Қобуснома", "Сиёсатнома" каби асарларнинг мазмунига ҳамоҳанглигидир. Бунинг мисоли сифатида давлат бошқаруви масалалари, ҳукумдорларга хос хусусиятлар ва сиёсатшуносликка оид фикрларнинг мавжудлигидадир.

Бухоро амирлигининг ҳукмдорлари ва улар юритган бошқарув сиёсати хусусида Аҳмад Дониш ўзининг "Мангит амирларнинг тарихи"(Таржимаий аҳволи амирони Мангития) асарида ўз ифодасини топган. Асар Бухорода ҳукмдор бўлган Муҳаммад Раҳимхон давридан Амир Абдулаҳадга қадар бўлган амирлар тарихига бағишлиланган. Асар Аҳмад Дониш амирларнинг ҳукмдорлик салоҳияти ва улар томонидан амалга оширилган ички ва ташқи сиёсат масалаларни таҳлил этиб баён қилган. Бу каби ёндашув асосида ёзилган асар ўз навбатида бугунги кунга келиб XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихини тадқиқ этувчи тарихчи олимлари учун муҳим манба вазифасини бажаради.

Аҳмад Донишнинг илмий меъроси нафақат амирлик тарихини ўрганишда, балки XIX аср иккинчи ярмида Бухородаги илм-фан ривожи, амирлик аҳолисининг ижтимоий ҳолатини ўрганувчи жамиятшунос ва сиёсатшунослар учун ҳам муҳим манба вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое Т.: Фан, 1964.- 411б.
2. Аҳмад Дониш. История мангитской династии. Душанбе.: Дониш 1967.- 125.б
3. Аҳмад Дониш. Рисола ё муҳтасаре аз таърихи салтанати хонадони мангития. Душанбе, 1992. - 98 б.

4. Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз-амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад. XIX аср. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №18.

5. Арабские рукописи. Института востоковедения Академии наук СССР. Краткий каталог. М.: издательство «Наука» главная редакция восточной литературы, 1986.-526с.

6. Анге Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIX вв.) Алматы. 2004.-С. 110